

## ЧЎЛПОННИНГ КИЧИК НАСРИЙ АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Дилдора Шокир қизи ЁРБУЛОВА

талаба

Чирчиқ давлат педагогика университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада маърифатпарвар жадид шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг насрий ижоди – кичик ҳикояларидан йирик романигача бўлган асарлари таҳлилга тортилади. Унинг ҳикояларидан мисоллар келтирилиб, асарларининг бош ғояси изоҳланади.

**Таянч сўзлар:** реалистик роман, насрий асар, назмий асар, ҳикоя, фельетон, субъект, ижтимоий воқелик, миллийлик, халқчиллик.

## АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЙ МАЛОЙ ПРОЗЫ ЧОЛПАНА

Дилдора Шакир кизи ЁРБУЛОВА

Студент

Чирчиқский государственный педагогический университет

Чирчиқ, Ўзбекистон

### Аннотация

В данной статье анализируется творчество поэта джадида-просветителя Абдулхамид Сулейман углы Чолпана – от его малых прозаических произведений и до крупных романов. Приведены примеры рассказов и разъяснена их основная идея.

**Ключевые слова:** реалистический роман, прозаическое произведение, поэтическое произведение, рассказ, фельетон, субъект, социальная действительность, национальный колорит, народность.

Миллий зулм остида эзилаётган халқнинг забун ҳолини акс эттириш ва халқни бундай ҳолатдан қутқариш истаги Чўлпон ижодининг бош йўналиши эди. Унинг назмий ва насрий асарларининг барида халқнинг қайсики қатлами бўлмасин, уларнинг ҳиссиётлари, ўй-кечинмалари ифодаланган бўлиб, улар Чўлпоннинг ёки у ифодалаган бош образнинг тилидан ҳикоя қилинар эди.

Машҳур жадид, ёзувчи, драматург, танқидчи, шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзбек адабиётига, ўзбек романчилигига ўзининг «Кеча ва Кундуз» деб номланувчи маҳобатли асари билан кириб келди. Биринчи реалистик роман ҳисобланган «Ўткан кунар»дан кейинги бу роман унинг чин маънодаги давомчиси бўла олди. Абдулҳамид болалик кезларида Биби Узронинг ажойиб эртақ ва ривоятларини тинглаб, ўзбек халқ ижоди

хазинасидан баҳраманд бўлиб ўсди. Бу каби болаликнинг сермазмун ва бадиият билан ошно ўтиши шоирнинг адабиётга қизиқиши ва иштиёқини оширган. Насрий асарларга бўлган муҳаббат Чўлпонда асарлар ёзиш кўникмасини шакллантирди. Шу билан бирга романнинг пайдо бўлиши ҳам шунинг сирасидандир. Машхур танқидчи ва ёзувчи Озод Шарафиддинов бу роман ҳақида таъкидлаганларидек, «Кеча ва кундуз» романида муаллиф нигоҳи «ўзбек хонадонининг ичкараси»га қаратилган. Асар матнидан биз ўзбек хонадонларидаги «яқин мозийга хос» оилавий-инсоний муносабатларга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, роман ҳақида кўплаб танқидчилар, олимлар, хусусан, адабиётшунослар ҳам турлича фикр юритган. Чўлпоннинг бундай катта романи ўз-ўзидан бунёд бўлган эмас. Романга хамиртуруш вазифасини ўтаган кичик насрий асарлар, яъни, ёзувчининг ҳикояларидир.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил насрий асаридир. Дастлабки асарлари «Абдулҳамид Сулаймоний», жилдига унинг машхур «Кеча ва кундуз» романи билан биргаликда турли даврларда ёзилиб чоп этилган 13 ҳикояси киритилган. Улар орасида 1914 йил эълон қилинган илк ҳикоялари «Қурбони жаҳолат» ва «Духтур Муҳаммадёр»дан совет даврида босилган «Клеопатра» (1923) гача бор. Машхур жаҳид вакили ўз қаламини дастлаб кичик насрий асарлардан бошлагани барчамизга маълум. Унинг дастлабки фельетонлари, ҳикоялари машхур газета ва журналларда чоп этилган. Дастлабки барча ижодлари «Ғайратий» тўғараги қошида кўриб чиқилган. Унинг ҳикоялари ўзининг энг йирик романи «Кеча ва кундуз»нинг вужудга келишида устун вазифасини ўтаган.

Унинг ҳикояларида ифодаланган ғоя ва мазмун бир умумий шаклга эга. Умумий шакл эса ижтимоий воқелик ва субъектнинг ҳаёти билан изоҳланади. Адибнинг деярли кўп ҳикояларида аёлларнинг тақдири қаламга олинади.

Мисол учун «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» каби ҳикояларда бош образ аёл бўлиб, айнан шу образ жамиятдаги аёлларга бўлган эркин муносабатларни очиб берган. Эзувчи ва эзилувчи қатлам вакиллари Чўлпоннинг ҳикоялари замирида ўз ифодасини топган. Айрим ҳикояларида умуман бошқа мавзу каламга олинади. Яъни, давлат бошқаруви, таълим тизими, маориф, театр, халқни қийнаётган яна бошқа масалаларни ўз ҳикояларига сўз орқали сингдиради. Чўлпоннинг бошқалардан ажралиб турадиган услуби шундаки, у ўткир ва кенг фикрларини ўз назми ва насрида тўғридан-тўғри эмас, балки маълум, унга ёндош мавзу доирасида халқ тилида «қоғозга ўраб» ифодалайди. Бу услуб ҳикоялардан ташқари унинг танқидий-тахлилий мақолаларида ҳам кўзга ташланади. Мисол учун «Улуғ ҳиндий» мақоласида Тагорга бўлган чексиз ҳурматини ифодалаш баҳонасида янги адабиёт ва эски адабиётни таҳлил қилади. Шу каби илм аҳлини «йўлсиз» деб айблаб, чалкашлик ва чучмалликнинг олдини олишни айтади.

Кичик насрий асарларда ифодаланган ғоя катта насрий асар бўлмиш романнинг пайдо бўлишига хизмат қилди. Унинг яна бир дастлабки ҳикояларидан бири бу «Мерос» ҳикояси. Ҳикоянинг чуқур мазмун касб этган жойларидан парча ҳавола этамиз. XX асрнинг буюк намояндаси, маърифатпарвар назм ва наср устаси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон асарлари эркак ташна қалб, истиқлол орзусидан маст бўлган юрак, халқ дардини ўз дарди деб билган инсон шахсиятини ёдга солади.

Чўлпон бизда севги тангриси, севги яратгувчисидир. “Чўлпон лирик, Чўлпон мутафаккир, Чўлпон чўлпондир”. Бу жумла Германияга ўқишга юборилган талабалар ичидан Аҳмад Шукрий томонидан айтилган. Бундай ажабтовур таърифлар кўплаб адабиётшунослар томонидан ҳам баён қилинган. Ҳақиқатан ҳам, энг нозик туйғуларни жонлантириш кучига эга бўлган Чўлпон севги ва меҳр каби улуғ туйғулар инсон ҳаётини ўзгартиришига ишонади. Худди шундай ғоя мазмуни «Клеопатра» ҳикоясида акс эттирилади. Қуйида ушбу ҳикоянинг энг муҳим ва таъсирли жойи келтирилган.

“Эй, Мисрнинг тангриси, Нилнинг маликаси Килеопатра! Ойдин кечаларда, сирли Нилнинг бўйларида узун этакларингни майсалар, гуллар устидан судраб юруб янги очилгон вафо хидли нилуфар чечаги узубсан. Ўзингни елпиб турғучи кулға чечакнинг фазилатларидан гапирганингни эшитдим: «Бу гул сувда ўсиб, сувда етишиб, яна сувда битадир», – дединг. Биламан, тенгсиз қиз, биламан. Нил суви билан ўсган нилуфарни қанча мақтасанг...”.

Ҳикояда келтирилган воқелик ва субъект ҳақиқий. Чўлпоннинг қизиқишлари Ғарб ва Шарқ адабиёти, шунингдек, уни санъат соҳасига ҳам тўғри келган. Ғарб дунёсидаги машҳур шахслар уларнинг ҳаёти доимо ёзувчининг эътиборида бўлган.

“Ўзбек хотин-қизлари ҳуқуқ ва эрк учун кураш бошламоқда. Ўзбек қизининг Ғарбга, Ғарбнинг чин билим, чин маданиятига қараб юриши ҳақ-ҳуқуқини бутун элнинг ҳақ-ҳуқуқи билан бирга тез ва тез фурсатда қўлга келтиргусидир”. Бир аёл тақдири ва унинг эрки ифодаланган наср намунаси қилиб қуйидаги ҳикояни келтириш мумкин.

«Сени кўп кормасун» ҳикоясида эса ёзувчи халқ ҳаётидан, яъни, Фарғона ҳаётидан олиб ҳаётини воқеага асослаган ҳолда ёзади. Ҳикояда “каттагина бир қишлоқда ўтиб ётган бир рўзғорда боласини ухлатаётган” Хадичахон деган ёш бир жувон ҳаёти акс эттирилади... Бу ҳикояда ўша давр сиёсий ҳаёти ва инсон кечинмалари, оддий халқ ҳаёти мавзу сифатида танланган. Инсон қадр-қиммати аҳамиятсиз, замон эса жуда нотинч бўлганлиги, ҳар қадамда хавфнинг мавжудлиги ёритилган. Ҳаёт синовларига дучор бўлган она эса фақатгина Худодан нажот кутади, холос.

«Новвой қиз» ҳикояси. “Қилғилиқ қилиниб, бечора қизнинг қизлиги олиниб, бўлар иш бўлиб битгандан кейин, иккаласи жим-жит бўлиб икки томонга чўзилишдилар. Уйнинг ичи, ташқари ҳовли, кўча-кўй худди тонг отишидан сал бурунги вақтлардай – чуқур, вазмин ва тинч бир жимликка ботқан эди. Баъзи-баъзидагина пастак пирамондан бир жуп эр-хотин мучичаларнинг

кукулашлари, кўшни ҳавлидан ёш болаларнинг ўйин устидаги шовқунлари, кўча томондан якка-ярим...”.

«Қор қўйнида лола» ҳикояси. “Бир, икки, уч, тўрт... тўрт, тўрт... беш! Беш, беш... олти! Етти, саккиз, тўққиз, ўн... Кичкина, қизил ипдан безалган тўп (копток) алжиб қочиб кетиб, ертўла оғилнинг деворига ёндошиб ўскан ёш кантак ўриқка бориб тегдида, сачраб ҳовузга «шўб» этиб тушуб ҳам кетди... Қизлар ҳаммаси бирдан: – Вой, ўлақолай, ҳовузга тушиб кетди! – деб кичқиришиб юбордилар. Тўпни тутиш...”. Ушбу келтирилган ҳикоялар бир қатламнинг бир образини ифодалаган. Ушбу образ эса эзилувчи аёлларнинг типик тасвирини ифодалайди. Носирнинг фикрича эркисиз, маърифатсиз ва илмсиз аёл ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Жамиятнинг ҳеч қандай кучи илмга тенг келолмаслигини ва аёллар илмли бўлишини таъкидлайди. Чўлпон насри халқчиллиги ва миллийлигини белгилувчи мавзу, мотив ва жиҳатлар хилма-хил. Биз уларнинг айримларини кўриб чиққанмиз, холос. Масалан, мутафаккир яшаган даврда ёшларнинг саводи ва истиқболи, ўзбек хотин-қизларининг тақдири масаласи миллат ва жамият олдида турган энг долзарб муаммо эди. Чўлпон учун ўзбек хотин-қизларининг паранжи ташлаши, бир томондан, ўз табиий ҳусну жамолини намойиш этиш, инсон сифатида қаддини тик тутиш бўлса, иккинчидан, озодликка чиқиш, эркинликни қўлга киритиш эди.

Чўлпон дунёқараши инсоният илғор тафаккури таъсирида, жонажон ўлка табиати ва қишлоқлари, турмуш тарзи, ҳаёти ва фаолияти таъсирида, ўз даври ижтимоий, сиёсий, фалсафий қарашларининг гуманистик ва ватанпарварлик ирмоқлари таъсирида шалклланди ва ривожланди. Чўлпон ҳеч қачон тор ва чекланган ҳолда фикр юритмаган. У кенг ва очик тафаккурни, эркин ва озод миллий юксалишни, маърифат ва маданият орқали ҳаётни гўзаллаштириш орзусида бўлди. Шу йўлда тинмай фаолият кўрсатиб, ижод қилди.

Чўлпон дунёқарашида Шарқ ва Ғарб халқлари, мамлакатлари эришган маданий меросни бирлаштирувчи, айни чоғда, ўз халқи маънавиятини

юксалтиришга қаратилган улкан жасорат ва эътиқод мавжуд эди. У ўз халқининг ҳассос ва жонкуяр мутафаккири сифатида воқеликка, миллат тақдири ва истиқболга бўлган муносабатини романтик услубдаги асарларида ифода этди. Ўзи ҳам романтик кайфиятга, парвозга, улуғвор орзуларга молик санъаткор сифатида ҳаёт, табиат, инсон гўзаллигидан завқ олди. Дунёдаги энг катта бахт – инсон эркинлиги ва Ватан озодлиги, деб билди. «Кеча ва Кундуз» каби буюк асар ёзилишига 20-йилларда ёзилган «Қор қўйнида лола» асари асос (хамиртуруш) бўлиб хизмат қилган. Ёзувчининг маҳорати туфайли икки асар ҳам ҳанузгача барчага севимли бўлиб келмоқда. Айтиш жоизки, «Қор қўйнида лола» ҳикоясидаги тасвир ва ғоя бир томондан олиб қараганда, ўзбек диёрида ҳаётий реаллик бўлса, иккинчи томондан, мавжуд миллий биқиқликдан тезроқ қутулиш истагидир. Ҳикоя ва кейинчалик яратилган романдаги бош ғоя – ҳар икки асарнинг марказий ғояси эканлиги шубҳасиз.

Халқимиз маънавий юксалишида муҳим ўрин тутган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодини тафаккурнинг ўзига хос ғоявий-маънавий инъикоси дейиш мумкин. Зеро, маърифатчилик ҳаракати ва жаҳид адабиёти Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва манавий ҳаётида тарихий вазифани бажарди. Бу даврда маданий жараённинг мавзу доиралари кенгайди, бевосита миллат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттира бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпоннинг кичик насрий асарларидан тортиб романигача барча-барчасининг тағ замирида эрк, истиқлол, Ватанга муҳаббат каби инсоний туйғулар ётибди. Биз бу буюк адиб ҳақида қайта-қайта сўзлар эканмиз, доимо эркакка ташна қалб эгасининг қиёфаси кўз олдимизда шаклланади. Бу қиёфа бизга улуғ адибнинг, Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса – миллат яшайди” дея айтган умуммиллийга айланган сўзини эслатади. Юртбошимиз айтганидек, “Энг буюк жасорат – маънавий жасорат”. Ҳозирги кунда адабиёт ва ижод аҳли зиммасига масъулият янада ортса орткики, камайгани йўқ. Шундай экан, биз ҳар доим ўтмиш тарихмизни тадқиқ этишдан чарчамаслигимиз керак. Зеро, ҳар вақт, ҳар замон ўтмиш келажакка пойдевор

бўлар. Даврлар ўтиши билан адибнинг асарлари нашр қилиниб, уларга асл баҳо берилди бошланди. Чўлпоншунослик илми шаклланиб, халқимиз орасидан Наим Каримов, Дилмурод Қурононов, Бегали Қосимов, Набижон Боқий каби машҳур чўлпоншунослар етишиб чиқди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов Н. «Чўлпон» маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
2. Сулаймон, Абдулҳамид. Истикбол учун кураш. //«Қизил байроқ» газетаси, 1932 йил, 2 сентябрь
3. Шукрий, Аҳмад. Чўлпон – Чўлпондир. // Кўмак. – Берлин, 1923. – № 5. - Б. 19-20.
4. Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Фан ва турмуш, 1991. – 132 б.
5. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 300 б.